

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

куни жиноят ишлари бўйича биносида очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи туман суди судьяси, судья ёрдамчиси, судланувчи қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат, жабрланувчилар иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисми билан айбланган жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, сотувчи, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, яшайди, 2024 йил 28 октябрдан бошлаб “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 25 ноябрда олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят ишидаги хужжатларни ўрганиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

, муқаддам 2023 йил 28 сентябрда жиноят ишлари бўйича суди қарорига асосан ҳақорат қилиш, яъни шахсни шаъни ва кадр қимматини қасддан камситганлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин 2024 йил 8 август куни соат 08:30ларда ижара асосида яшаётган хонадони, яъни билан ўзаро оилавий келишмовчилик сабабли жанжаллашиб, уларни шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги номидаги Республикаси Суд экспертиза марказининг 02.10.2024 йил кунидаги хулосасига кўра тақдим қилинган ДВД дискдаги аудиоёзувларда шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан таҳқирлаш, камситиш ва ҳақоратловчи сўзлари мавжуд бўлиб, мазкур сўзлар иштирокчи сўзлашган аёлга нисбатан баён қилинган.

Судланувчи судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2023 йил 26 сентябрь куни ижарадаги хонадони Чилонзор тумани, 16-мавзе, 4-уй,



91-хонадонига озроқ маст ҳолда бориб ўзаро келишмовчилик оқибатида турмуш ўртоғи [REDACTED] ҳақоратлаганлигини, ушбу ҳолат бўйича ИИБга мурожаат қилиб, ҳақоратлагани учун унга суд томонидан жазо чораси қўлланилганлигини, сўнг 2024 йил 8 август куни эрталаб соат 08:30да ижарадаги яшаш хонадони [REDACTED]

[REDACTED] уйидалигини кўриб, жаҳли чиққанлигини, қайниотаси уни ёнига келиб, нимага спиртлик ичимлик истеъмол қилганлигини сўраб бақириб кетганлигини, у қайниотаси [REDACTED] “нима сабабдан бизни уйимизга бесўров келиб оласиз бизни тинч қўйинг” деганлигини, сўнг қайниотаси унга ғазабини келтирадиган гаплар қилганидан кейин уни ҳақоратлаб юборганлигини, ўта ғазабланиб кетганлиги сабабли турмуш ўртоғи [REDACTED] ҳам турли хил сўзлар билан ҳақоратлаганлигини, ушбу барча ҳақоратларни маст ҳолда қилганлигини, қайниотаси [REDACTED] кечирим сўрашлигини, бошқа бундай ҳолат такрорланмаслигини, оиласини тиклаб ярашмоқчилигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, ягона фарзандлигини, отаси вафот этганлигини, онаси унинг қарамоғидалигини билдириб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатма берди.

Суд жараёнида судланувчи айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатма берган бўлса-да, унинг жиноят содир этишда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига мувофиқ айбли эканлиги, суд муҳокамаси давомида текширилган қуйидаги мақбул далиллар ҳамда гувоҳнинг берган кўрсатувлари билан тасдиқланади.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, 2024 йил 6 август куни тахминан соат 13:30да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 9-мавзедаги [REDACTED]

билан жанжаллашиб кетганлигини, шу вақти у уни куракда турмас гаплар билан ҳақоратлаганлигини, сўнг у унинг гапларини кўтара олмай отаси [REDACTED]

[REDACTED] билан гаплашиб қўйишини маълум қилганлигини, сўнг отаси унинг чақируви бўйича келганлигини ва отаси 2024 йил 7 август куни тахминан соат 14:00да уларни яшаш хонадони Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 21-мавзе, 14а-уйни 24-хонадонига келиб турмуш ўртоғи Б.Мухаммадиевга жанжаллашмаслиги ҳақида тушунтириш берганлигини, сўнг орадан бир кун ўтиб 8 август куни дўкон ҳужжатларини ҳал қилиш мақсадида, Давлат хизматлари марказига кетган вақтида, тахминан 10:00да яшаш хонадонига келганида турмуш ўртоғи [REDACTED] маст ҳолда эканлигини, отаси [REDACTED] ҳақоратлаётган кўриб, [REDACTED] тинчланишини айтганида уни ҳам куракда турмас ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб ташлаганлигини, унинг гапларини [REDACTED] ўзига тегишли бўлган телефон аппаратига ёзиб олганлигини, улар турмуш ўртоғи [REDACTED] тинчлантира олмаганлигини, сўнг ҳолат юзасидан ИИБга хабар берганликларини, турмуш ўртоғи билан ярашмаслигини билдириб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатма берди.

Жабрланувчи [REDACTED] уни қизи эканлигини, у пинан 2012 йил февраль ойида [REDACTED]



турмуш курганлигини, қизи [REDACTED] билан [REDACTED] оила турмушларида кўп маротаба ўзаро келишмовчиликлар сабаб жанжаллашишганлигини, ҳар сафар куёвининг қилмишларини кечириб келганлигини, куёви [REDACTED] спиртлик ичимликга ружу қўйганлигини, у кўпинча неваралари ёлғиз қолаётганлиги учун, уларга қараб туриш мақсадида қизининг хонадонига келиб турганлигини, қизининг илтимосига кўра, 2024 йил 8 август куни [REDACTED]

[REDACTED] маст ҳолатда турганлигини кўрганлигини, куёви унга “нимага яна келдинг” деб ҳар ҳил куракда турмайдиган сўзларни айтганлигини, у билан хонадонга кириб ўтирганлигини, шу вақти у ўзига тегишли бўлган “Самсунг С12” русумли телефон аппаратини секин олиб овозли ёзувни ёқиб қўйганлигини, сўнг қизи [REDACTED] келганлигини ва куёви [REDACTED] уни турли сўзлар билан ҳақорат қилиб ташлаганлигини, у куёви Б.Мухаммадиевга тинчланишини айтганида уни ҳам ҳақорат қилганлигини, унинг ёши 75 да эканлигини, шу вақтгача ҳеч кимдан бундай ҳақоратли сўзлар эшитмаганлигини, куёвини тинчлантира олмаганлиги сабабли қизи [REDACTED] мурожаат қилганлигини, шу куни қизини ҳайдаб солганлиги сабабли, қизининг ҳамма нарсаларини олиб бирга чиқиб кетганлигини, бундай ҳолат бир неча маротаба бўлганлигини, шу вақтгача кечириб, куёвига имконият бериб келганлигини, бу сафар кечирмаслигини, у билан ярашмаслигини билдириб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатма берди.

Суд жараёнида тарафлардан далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб, юқорида келтирилган далилларни, далилларни олиш билан боғлиқ ҳаракатларни ўтказишга оид қоида ва тартибга риоя қилинган ҳолда олинганлиги ва улар иш ҳолатларига тўғри келганлиги учун уларни ҳақиқий деб, улар судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракатларини баҳолашда етарли ва мақбул далил деб ҳисоблайди.

Судланувчи [REDACTED], унинг айбига иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, [REDACTED], дастлабки тушунтириш хатлари, 23.09.2023 йилдаги жиноят ишлари бўйича [REDACTED] ароп, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги [REDACTED] номидаги Республикаси Суд экспертиза марказининг 02.10.2024 йил кунидаги 46.1Z/14881-сонли хулосаси, ашёвий далил сифатида эътироф этилган бир дона диск ичидаги аудиоёзувлар, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Суд жараёнида тарафлардан далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб, юқорида келтирилган далилларни, далилларни олиш билан боғлиқ ҳаракатларни ўтказишга оид қоида ва тартибга риоя қилинган ҳолда олинганлиги ва улар иш ҳолатларига тўғри келганлиги учун



уларни ҳақиқий деб, улар судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракатларини баҳолашда етарли ва мақбул далил деб ҳисоблайди.

Суд, [REDACTED] ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берар экан, уни муқаддам ҳақорат қилинганлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин яна қасддан Д.Мухаммадиевани шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, сўкиб, ҳақорат қилганликда ифодаланган қилмиши тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдум натижаларига кўра, қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13-моддасининг 1-қисмида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” ва 26-моддасининг 1-қисмида “Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати даҳлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас” – деб қайд этилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига мувофиқ, судланувчи Б.Мухаммадиевга нисбатан жазо тайинлашда, ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши лозим деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг тушунтиришига риоя қилиб, унинг шахсини, оилавий ва моддий аҳволини, айбига тўла иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айб шакли ва даражасини, жиноят содир этилиш пайтидаги ва содир этилганидан кейинги ижобий хулқ-атворини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб ҳисоблаб, унга айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 9-банди талабларига риоя қилиб, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши ҳужжатларига қўшилган 1 дона “DVD+R” дискни Ўзбекистон Республикаси ЖПК 211-моддасининг 6-бандига асосан сақлаш зарурати тугагунга қадар ишда асраб туришни;

Жабрланувчилар [REDACTED] қонуний кучга киргач, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарлари бўйича даъволари вужудга келса, белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд



## ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси \_\_\_\_\_ туман ИИО Пробаця бўлими белгилаган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган ва жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ киргач бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 46-моддасининг 4-қисми талаблари яъни тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жабрланувчилар \_\_\_\_\_ ҳукм қонуний кучга киргач, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарлари бўйича даъволари вужудга келса, белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтирилсин.

Ашёвий далил 1 дона “DVD+R” диск иш ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида \_\_\_\_\_ суди апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргач кассация инстанциясига кассация тартибида шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақли.

Жиноят ишлари бўйича

ИМЗО

